



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ХУДУДЛАРДАГИ НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 июль куни ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳудудлардаги натижадорлиги таҳлили бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда ислохотлар кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Хусусан, охириги 3 йилда барча ҳудудлар, соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга доир 400 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим “ўзгаришларни одамлар ўз ҳаётида сезсин”, дея талаб қўяди. Шунга мувофиқ, ислохотларнинг аҳоли ҳаётига таъсири ўрганиб борилмоқда.

Шундай комплекс ўрганишлардан бири яқинда Самарқанд вилояти мисолида ўтказилди. Сўровда қатнашганларнинг кўпчилиги ҳоким ёрдамчиларининг фаоллигини, таълим, соғлиқни сақлаш, интернет, жамоат транспорти соҳаларидаги силжишларни юқори баҳолаган.

Шу билан бирга, жойлардаги муаммоларни, ўзгариш сезилмаётган соҳаларни ҳам очиқ айтган. Жумладан, жойларда ер ва сувдан самарали фойдаланиш, электр, газ ва ичимлик сув етказиб бериш, ер ажратиш каби масалаларда камчиликлари мавжуд. Масалан, Самарқанддаги Халқ қабулхоналарига аҳоли ва корхоналарни электр энергияси, суолтирилган газ ва кўмир билан таъминлашга оид 15 мингдан зиёд муурожаатлар келиб тушган.

Йиғилишда туман ва шаҳарларда ислохотларнинг самарадорлиги, аҳоли ва тadbirkorлар кўтарган долзарб масалалар атрофлича таҳлил қилиниб, таклифлар билдирилди.

Хусусан, маъмурий ислохотларни давом эттириб, давлат ходимлари сонини оптимallashtiriш, маҳаллий бюджетларни тўғри йўналтириш зарурлиги айtilди. Қишлоқ хўжалигида ерга узоқ муддатли кафолат бериш, давлат аралашувини камайтириш, молия хизматларини яхшилаш талаб этилмоқда. Энергия ресурслари таъминоти, кадастр, йўл, коммунал хизматлар тизимлари ҳам такомиллаштирилмоқда.

Президентимиз барча ислохотларни пастдаги бўғинларга боғлаб, уларни авваламбор аҳоли фаровонлигини оширишга қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Самарқанд вилоятидаги ҳолат бошқа ҳудудларда ҳам борлиги қайд этилиб, ҳукуматта муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиб бориш ва вақтида чора кўриш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

ТАШҚИ СИЁСАТ

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

Ўзбекистон тарихий илдизлар — маданият, анъана ва урф-одатлар ўхшашлиги, ягона динга асосланган муносабат ила боғланган Туркменистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратади. Асрлар мобайнида ўзаро келишиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётган икки қардош халқ ўртасидаги муносабат сўнгги йилларда янада мустаҳкамланди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шериклик ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик тамойили асосида муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлиги ўсиш суръатини тасаввур қилиш учун атиги бир неча маълумотни келтириш kifoya. Масалан, 2016 йилдан буён давлат раҳбарларининг ўзаро 13 ташрифи амалга оширилди. Фақат 2022 йилнинг ўзида Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари 6 марта телефон орқали мулоқот қилди. Айни пайт бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш жуда муҳим: бу боғланишлар шунчаки расмийтачилик юзасидан, протокол хусусиятига эга эмас. Барча ташриф, учрашув ва сўзлашувлар аниқ, амалий мазмун билан бойитилган,



кун тартибидеги икки ва кўп томонлама долзарб масалалар муҳокама этилган.

Бугунги кунда изчил, ўзаро манфаатли хусусият касб этган, юқори ўсиш суръатини олган икки қардош мамлакат муносабатининг жорий ҳолатига Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга 2017 йил март ойида амалга оширган илк хорижий ташрифи пухта пойдевор қўйган эди.

Очиқ, ўзаро ишонч сингдирилган мулоқот ўрнатилиши, шунингдек, икки мамлакат Президентлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик барча йўналишлардаги муносабатни янада кенгайтириш учун асос яратди.

Олий даражадаги мулоқотларнинг энг муҳим натижаларидан бири томонларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорлик бўйича мавжуд улкан салоҳиятини босқичма-босқич юзага чиқариш имконини яратган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома бўлди. Икки томонлама шериклики келгусида янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш, табиийки, минтақада тинчлик, барқарорлик ва умумий фаровонлиқни таъминлашга хизмат қилади.

▶ Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎЙ, ТАКЛИФЛАР ТЎЁНАДИР ёхуд халқ дипломатияси ҳуқуқига чизгилар

Қарийб икки ойдири, мамлакатимиз ҳуқуқий ислохотлар оғушида яшамокда. Ҳар бир юртдошимиз кўнглида янги ўзгаришларга интилиш кучайган. Улар бугунги куннинг долзарб масалалари учун муҳим ва ҳал қилувчи ечимларни кидирмоқда. Ушбу ҳаяжонли кунлар Кўргонтепадан Мўйноққача, Термиздан Чорвоққача, яъни юртимизнинг ҳар бир ҳудудини қамраган. Пойтахтдан тортиб узоқ қишлоқларга қадар барча маҳаллаларда Конституциявий қонун лойиҳаси қизғин муҳокама этилаётир.


Фақатгина сиёсий партиялар ёки ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд давлат ташкилотлари эмас, балки эл хизматида бел боғлаган тadbirkorлик субъектлари ҳам, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳам Асосий қонуниimizга таклиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни синчиқлаб ўрганиб, ўз муносабатларини билдирмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб ҳуқуқий давлат сифатида яшаш йўлини танлаган. Конституциямизнинг илк таҳрири мазмунига ҳам ушбу танлов сингдирилган.

Ҳуқуқий давлатда яшашнинг яхши экани халқимизнинг ўттиз йиллик синовидан муваффақиятли ўтди. Шу маънода, муҳокама этилаётган Конституциявий қонун лойиҳасида Ўзбекистоннинг айнан ҳуқуқий давлат эканини алоҳида белгилаб қўйиш госяси илгари сурилгани қувонарлидир.

Ҳуқуқий давлат дегани нима? Содда айтганда, ҳуқуқий давлатда халқ хоҳиши билан қонун қабул қилинади ва ушбу қонунга ҳамма риоя этади. Шу икки шарт ўзаро узвий бўлса, юрда фаровонлик, элда тўкинчилик таъминланади.

▶ Давоми 2-бетда



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

ЭЛЕКТРОН БОЗОРДА ОНЛАЙН ХАРИДЛАР ДАВРИ бунга қанчалик тайёرمىз?

Иқтисодиётнинг барча соҳалари замонавий рақамлаштиришга ўтиб борапти. Баъзи тармоқлар аллақачон ахборот технологияларининг кучли таъсирига учраган бўлса, бошқалари бу йўлнинг бошида турибди. Ўзбекистондаги рақамли иқтисодиёт ривожини охириги йилларда сезиларли тарзда жадаллашди. Айниқса, унинг асосий қисми ҳисобланган электрон тижорат фаол ривожланиш йўлида.

▶ Давоми 4-бетда

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

СУВ ХУДУДЛАРНИ ОБОД, КЎНГИЛЛАРНИ ШОД ҚИЛМОҚДА

Деҳқонобод тумани тоғли ҳудуд бўлгани учун аксарият қисмида шу пайтгача ичимлик сув муаммо эди. Хонадонларда ҳовузлар қазилиб, сув сотиб олинар, икки-уч ойлаб сақланган ҳолда истеъмол қилинарди. Эндиликда бу муаммо бартараф этилиб, босқичма-босқич маҳаллалар ичимлик сув билан таъминланмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ”



ЯНГИ ТИЗИМ аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳар бир юртдошимиз кўриб, билиб, ҳис этиб турибди. Инсон кадр-қимматини юксалтиришга қаратилган янгиланишлар нафаси кириб бормаган бирор соҳа ёки манзил қолмади ҳисоб. Мана шу ислохотларга уйғун тарзда йўлга қўйилган “маҳаллабай” ишлаш тизими, энг аввало, уйма-уй юриб, одамларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқтаси” — даромад манбаини аниқлашга замин яратмоқда. Мазкур тизим доирасидаги ишлар ҳудудларда чорвачилик, асаларичилик, хунаремандлик каби фаолият турларини касаначилик ва кооперация асосида йўлга қўйишни янада такомиллаштиришга хизмат қилапти.

▶ Давоми 5-бетда



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎЙ, ТАКЛИФЛАР ТЎЁНАДИР

Ёхуд халқ дипломатияси ҳуқуқига чизгилар



Абдухолик ҲУСАИНОВ,
Халқ депутатлари Яккасарой туман кенгаши депутати,
3-даражали адлия маслаҳатчиси

Бошланиши 1-бетда

Бир қараганда, қонун яратиш ҳам, қонунни бекаму қўст бажаришни таъминлаш ҳам осондек туюлади. Аспиди бу икки жараёнинг бир-бири билан чамбарчас боғланиши таъминлашни лозим. Бу анча мураккаб масала. Негаки, қонун яхши бўлмаса, ижро қилинмайди, ижроси таъминланмаган қонунда маъно йўқ.

Масала аспиди қонуннинг алгоритми тўғри белгиланганида, яъни қонунда тўлиқликлик даражаси таъмин этилишида, яъни халқона айтганда, қонун “ишлаши” керак.

Конституциявий қонун лойиҳасида халқ қадриятларини улуғлаш, халқ қадрини таъминлаш бош ғоядир. Лойиҳани тузиш учун халқ таклифи олинди. Навбатдаги қадам, яъни шаклланган лойиҳанинг яна халқ муҳокамасига қўйилгани, шубҳасиз, халқнинг ютуғи ҳисобланади. Зеро, ҳар бир босқичда фуқаролар иштирок этаётгани Конституциявий қонуннинг мукамал ва халқчил бўлиши учун энг муҳим гаровдир.

Қонун лойиҳасида халқнинг бу тарзда узлуксиз ва оммавий иштироки халқ билан жамиятнинг, ҳалқ билан давлатнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади. Негаки, юрт тараққиётига оид ҳар қандай масаланинг чин маънодаги ечимни айнан халқ билан жамият, халқ билан давлат ўртасидаги ўзига хос муносабатлар таҳлилида топилади. Ушбу муносабатлар гоҳида мамлакатнинг ички масалаларига тааллуқли бўлади, гоҳида эса қамров чегараларидан ошиб ўтиб, халқаро даражага айланади.



Жамият ва давлат билан халқнинг ўзаро муносабатларида халқ дардини ҳимоя қила билиш, халқнинг манфаати устуворлигини таъминлай олиш “халқ дипломатияси” деб аталмиш тушунчанинг асосий негизини ташкил этади. Ҳўш, халқ дипломатияси нима, Конституциявий қонун лойиҳаси нормаларида ушбу муносабат билан боғлиқ қандай жараёнлар ўз аксини топган?

Маълумки, халқ дипломатияси ривожиди бир-бирини тўлдирувчи икки жиҳатни фарқлаш мумкин. Биринчи жиҳат амалиётга тегишли бўлса, иккинчиси назария билан йўғрилган. Халқ дипломатиясига нисбат қилинаётган амалиёт инсон билан ҳар доим ёна-ён бўлган ва тараққий этган. Халқ дипломатияси ҳар доим халқнинг манфаати учун хизмат қилиб келган ва шундай бўлиб қолади. Халқ манфаати, одатда, элнинг сеvimли фарзандлари, ҳаммага танқили ва сеvimли инсонлар тимсолида яққолроқ намоён бўлади.

Қадимда турли қабилалар ўртасидаги келишмовчиликлар обрўли кишилар орқали ҳал этилганини халқ дипломатиясининг дастлабки кўринишидан бири, деб қараш мумкин. Халқимиз маданияти юксаклигини тарғиб этишда Алишер Навоий ижодида таяниш ўзбек халқ дипломатиясининг шоҳона кўриниши. Эркин Воҳидовнинг дилкаш, Абдулла Ориповнинг ҳаётий фалсафаси ҳам яқин ўтмишдаги ўзбек халқ дипломатиясининг гўзал белгисидир. Ёки халқаро мусобақада мадҳияни баралла янғратишга, давлатимиз байроғини энг балинд кўтаришга ҳисса қўшган спортчи ҳам халқ дипломатидир. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Тарихнинг ҳар лаҳзасида ўзбек халқ дипломатиясининг нодир намуналари ўз аксини топган.

Халқ дипломатиясининг ҳуқуқий жиҳати ҳақида гап кетганда, Конституциявий қонун лойиҳаси муқаддимасига Ўзбекистоннинг ҳаҳон ҳамжамияти ва энг аввало, қўшни мамлакатлар билан ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик ва ҳурмат қилиш, тинчлик ва тотувлик асосидаги уйғун, дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга ҳамда ривожлантиришга интилиши, фуқаролар тинчлигини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ҳамда бағрикенгликни таъминлаш каби халқаро ҳуқуққа мос нормалар киритилганини кизгин олқишлаш мумкин.

Муҳокамага таклиф этилган ушбу қонун лойиҳасида халқимизнинг ташқи муносабатдаги иштирокига оид қатор ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бу табиий ҳол. Зеро, ташқи муносабатларда амалга оширилган ислохотларнинг кейинги йиллардаги миқёси шунчалик кенг бўлдики, бу қўламини узлуксиз равишда қамраб олиш ва ҳаётга татбиқ этиб бориш учун ҳуқуқий асосга эҳтиёжнинг юзага келмаслиги мумкин эмас.

“ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИ АНГЛАШ УЧУН “БУТУН ОЛАМ ТОРТИШИШ ҚОНУНИ” ЧИРОЙЛИ МИСОЛДИР. УШБУ ҚОНУННИ НЬУТОН КАШФ ЭТГАН. ҲОЛБУКИ, УШБУ КАШФИЁТГА ҚАДАР ҲАМ ЗАМИННИНГ ТОРТИШ КУЧИ МАВЖУД БЎЛГАН. НЬУТОННИНГ ХИЗМАТИ ШУНДАКИ, У ОЛМАНИНГ ЕРГА ТУШИШИНИ ЭМАС, ЕРГА ТУШИШ САБАБИНИ АНИҚЛАГАН.

Мисол сифатида халқ дипломатияси ривожланиш йўналишини, унинг алоҳида институт сифатида шаклланиш жараёнини, бугунги кунда мазкур соҳани янада такомиллаштириш, Навоий таъбири билан айтганда, дунёнинг ривожланган давлатлари халқ дипломатияси “панжасига панжа” урадиган, халқаро миқёсда тенгма-тенг баҳслаша оладиган миллий тузилмани ташкил этиш жараёнини олиб қарайлик.

Аввало, халқ дипломатияси мазмунини ва моҳияти ҳақида тўхталиш жоиз. Негаки, айнан халқ дипломатияси шаклидаги иборанинг миллий сўзлашувимизда пайдо бўлганига унчалик кўп бўлмади. Албатта, ушбу ибора, бизга аввалдан таниш бўлган “халқ” ва “дипломатия” сўзларидан ташкил топгани учун кўпчилик унинг мазмунини тахмин қила олади.

Дарҳақиқат, илмий изланиш ва адабиётларда халқ дипломатияси оддий одамларнинг ўзаро муносабати сифатида талқин этилган. Унга нисбатан “юмшоқ куч”, “юракдан юракка интилувчи” дипломатия каби турли ўхшашмалар қўлланилган. Аспиди анча мукамал қонунлар билан тартибга солинган, оний аҳборот — интернет тизими билан яшаётган бугунги кунда халқ дипломатиясининг моҳияти анча кенгайиб, инсониятнинг ҳар бир қадамига ҳамоҳанг бўлиб қолмоқда.

Халқ дипломатиясининг замонга хос мазмунини Конституцияимизнинг 6-моддасидаги “халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, 8-моддасидаги “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади” нормалари асосида тўлиқ англаб олиш мумкин.

Мазкур қомусий нормаларга кўра, Ўзбекистон халқ дипломатиясининг ҳаракатлантурувчи кучи муайян гуруҳ эмас, балки юртимизнинг барча фуқароларидан иборат экан. Амалиётда учрайдиган “оддий одамлар”, “юмшоқ куч” каби ўхшашмаларни эса халқ дипломатиясининг бошланғич даврига хос дастлабки тасаввурлар, деб қараш мумкин.

Халқ дипломатиясини англаш учун “бутун олам тортишиш қонуни” чиройли мисолдир. Ушбу қонунни Ньютон кашф этган. Ҳолбуки, ушбу кашфиётга қадар ҳам заминнинг тортиш кучи мавжуд бўлган. Ньютоннинг хизмати шундаки, у олманинг ерга тушишини эмас, ерга тушиш сабабини аниқлаган.

Халқ дипломатиясининг илдизлари жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Ўзбекистонда ҳам бу тоифадаги муносабатлар қадим-қадимлардан бошлаб амалда қўлланилиб келинган. Биз уларни халқ дипломатияси, деб атамаганмиз, холос.

Янги Ўзбекистон даврида ташқи сиёсатимиз кескин ижобий томонга ўзгарди. Бу — ҳақ гап, исбот талаб қилмайдиган аксиома. Яқин қўйниллар билан борди-келдининг тўлиқ йўлга қўйилгани, ҳамкор давлатлар билан муносабатларда ўзаро ишонч ва бир-бирига ҳурмат каби халқ дипломатиясининг муҳим белгилари ҳаётга татбиқ этилди.

Ўзбекистоннинг бугунги кундаги халқ дипломатиясини икки хил — ички ва ташқи кўри-

нишда тасаввур қилиш мумкин. Ички кўриш юртимизда яшаётган турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга қаратилган бўлса, иккинчиси халқимизнинг бошқа давлатлар халқлари билан ўзаро муносабатларига тааллуқли. Аниқроқ айтганда, халқ дипломатиясининг ички кўринишини юртимизда фаолият юритаётган турли миллий-маданий марказлар фаолиятида кузатиш мумкин. Халқ дипломатиясининг ташқи кўриниши эса Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар билан алоқаларда ривожланмоқда.

Айтиш мумкинки, айнан Янги Ўзбекистонда юртимизнинг ички халқ дипломатияси тўлиқ қайта шаклланди, ташқи халқ дипломатияси эса бутунлай янгидан яратилди.

Айниқса, Президентимиз 2017 йилда ШХТга аъзо давлатлар олий раҳбарлари саммитида ўзаро алоқаларда халқнинг бевосита иштироки муҳим аҳамият касб этиши, шу сабабли ШХТнинг халқ дипломатия-

сини ташкил этиш ғоясини илгари сургани ва бу таклиф тўлиқ қўллаб-қувватлангани эътиборга молиқдир.

Президентимизнинг 2018 йил 26 июндаги “Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизнинг ташқи муносабатларида халқ дипломатияси воситаларини кенг қўллашга оид дастлабки махсус расмий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур қарор туфайли ташқи муносабатларда Ўзбекистон халқ дипломатияси имкониятларидан фойдаланиш тизимли равишда йўлга қўйла бошланди. Юртимиздаги бу борадаги амалиётнинг халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётгани эса халқ дипломатияси ташқи муносабатларнинг ажралмас бўғинига айланаётганини тасдиқлайди.

Қайд этиш лозимки, юртимизда ташкил этилган халқ дипломатияси марказига ўхшаш тузилмалар бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг деярли барчасида фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг май ойида пойтахтимизда ШХТга аъзо давлатлар халқ дипломатияси халқаро форуми ўтказилгани Ўзбекистондаги амалиётнинг халқаро даражада эътироф этила бошланганидан гувоҳлик беради.

Қисқа вақт давомидида ШХТ мамлакатлари бўйича Ўзбекистон халқ дипломатияси маркази алоҳида халқаро ташкилот сифатида шаклланиб, мазкур мамлакатларнинг ўхшаш тузилмалари билан ўзаро ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган алоқаларни йўлга қўйди.

Барча соҳалар сингари, халқ дипломатиясини янада яхшилашда ҳам Конституциявий қонуннинг ўз ўрни бор. Шу маънода қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этиш, таклифларни ўрганиш муҳим.

Оммавий аҳборот воситалари, ижтимоий сайтлар таҳлиладан, Конституциявий комиссияга билдирилаётган таклифлар салмоғидан халқимизнинг фаол, одамларнинг қайфияти байрамона эканини билиш қийин эмас. Хурсандчилик одатда тўйга қўйсланади, тўйга тўёна билан бориш эса удуmdir.

Қонун лойиҳасига кўра, амалдаги Конституциянинг 17-моддаси биринчи қисmini биринчи ва иккинчи қисмлар билан ўзгартириш, жумладан, иккинчи қисmini қуйидача ифода-лаш таклиф этилган: “Ўзбекистон барча давлатлар билан дўстона ва тинчликсеварлик ташқи сиёсатини олиб боради”.

Бу Ўзбекистон халқ дипломатиясининг халқаро миқёсдаги обрўси янада юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мазкур ўзгартариш айнан Янги Ўзбекистон ғояси сифатида илгари сурилаётган халқ дипломатиясининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу замонавий муносабат иштирокчиларининг юрт олдидаги, халқимиз олдидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.



ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСГА ЭГА ЗАМИН ЯРАТИЛМОҚДА



Дилнозахон КАТТАХОНОВА,
Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистонда “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар трансформацияси, давлатчилик концепцияси, мамлакат бош ғояси ва мафқурасида туб ўзгаришлар кузатишмоқда. Ўтган олти йилда давлатчилик тузилмаси, давлат тизмати концепцияси тубдан ўзгарди. Мамлакатда ислохотлар “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида йўлга қўйилди, яъни инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати барча ислохотлар марказига олиб чиқилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат Асосий қонунидида янги меъёрларни акс эттириш заруратини юзага чиқаради.

“КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА ЭНГ КўП ФАОЛЛИКНИ АЙНАН ЁШЛАР КўРСАТАЁТГАНИ ЖУДА ҚУВОНАРЛИ. ЁШЛАР ВАКИЛИ СИФАТИДА БУ ФАОЛЛИКНИ ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЁШЛАРГА БўЛГАН ЮКСАК ИШОНЧ ВА БИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ВЕРТИКАЛ ТИЗИМ ЯРАТИЛГАНИ, ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯ ВА ҚАТЪИЙ ҲАЁТИЙ ҚАРАШЛАРГА ЭГА ЁШ ЛИДЕРЛАРНИ ЕТИШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАНЗИЛИ ИШЛАР НАТИЖАСИ, ДЕБ ИШОНЧ БИЛАН АЙТИШ МУМКИН.

Бугун халқимиз конституциявий ислохотлар жараёнида фаол фуқаролик позициясини намоён қилиб келяпти. Конституция моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қўллаб-қувватлашнинг илгари сурмоқда. Билдирилган таклифларга овоз бериб, жараён юзасидан ўз қараш ва муносабатларини оммавий аҳборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали билдириб келяпти. Айни фаоллик фуқаровий онг ва сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиқнинг ошганини кўрсатмоқда. Бу эса мамлакатда фуқаролик жамиятини кучайтириш ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қўлланилган чора-тадбирларнинг амалий ифодасидир.

Конституциявий ислохотлар жараёнида энг кўп фаоллиқни айнан ёшлар кўрсатаётгани жуда қувонарли. Ёшлар вакили сифатида бу фаоллиқни Президентнинг ёшларга бўлган юксак ишончи ва бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган вертикал тизим яратилгани, фаол фуқаролик позиция ва қатъий ҳаётий қарашларга эга ёш лидерларни етишти-

“АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН, МИЛЛАТНИ ВА ХУСУСАН, ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АНИҚ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА. БУ, ЖУМЛАДАН, ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚўМАКЛАШИШИ, БЕПУЛ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ОЛИШ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНИШИ, ҲАР БИР БОЛАНИНГ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА Ўқишга КИРИШИ УЧУН МАЖБУРИЙ БИР ЙИЛЛИК ТАЙЁРГАРЛИКДАН ЎТИШГА БўЛГАН ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНИШИ КАБИ ЖИҲАТЛАРДА ЎЗ АКСINI ТОПАДИ.

ришга қаратилган манзилли ишлар натижаси, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Янгиланаётган Конституциямизда Ўзбекистон ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий демократик давлат экани белгиланган бўлиб қўйилмоқда. Бу эса юртимизда аҳолининг барча қатламлари, хусусан, болалар, ўсмирлар, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ва имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча зарур шароитлар яратилишини аниқлатади.

Шунингдек, Асосий қонунимизда таълим, илм-фан, миллатни ва хусусан, ёшларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг аниқ конституциявий механизми назарда тутилмоқда. Бу, жумладан, давлат мактабгача таълим-тарбияни ривожлантиришга қўмаклашиши, беғул умумий ўрта таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотларига ўқишга кириши учун мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқ кафолатланиши каби жиҳатларда ўз аксини топади.

Бу, албатта, ёш авлод учун мактабгача таълим тизимидан бошлаб узлуксиз таълимни таъминлаш, таълим сифати, касбга йўналтириш ва ўргатиш, касб танлаши, муносиб меҳнат шароитларида ишлаши учун замин яратлади.

Сўнгги йилларда Президентимизнинг шахсий ташаббуси билан юртимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, истеъдодини намоён қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу йўналишда қўрилган тизимли чора-тадбирлар халқаро ҳамжамият, бизнинг хорижий ҳамкорларимиз, яқин-йироқ мамлакатлардаги ёшлар сиёсатида масъул давлат ташкилотлари раҳбарларининг диққати ва ўрганишлари марказида бўлиб келяпти ҳамда юксак эътироф этилмоқда.

Кўп мамлакатлар Конституциясида ёшлар сиёсатининг асосий қоида ва тамойиллари акс этгани кузатилади. Жумладан, Бразилия ва Туркия Конституциясида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоҳида боб ажратилган. Шунингдек, бир қатор ривожланган давлатлар Конституциясида ёшларнинг таълим олиши, саводхонлиги, маънавий, интеллектуал, жисмоний ривожланиш кафолатлари, ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликлари ҳимояси, ижтимоий-сиёсий

иштирокини таъминлаш масалалари алоҳида моддаларда белгиланган.

Бизда ҳам шундай сиёсат олиб борилмоқда. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси энг муҳим йўналишларидан бири интеллектуал ривожланган ёш авлодини тарбиялаш ҳисобланади. Янги Ўзбекистонга хос ва мос янги Конституцияни қабул қилиш, бу — тарих, бугун ва келажакни бир ҳаракат, бир нафас, бир овозга жамлаш дегани. Зеро, биз кечаги ва бугунги таърибга таяниб, келажакимиз учун янги йўналиш, янги марраларни белгилаямиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар билан тизимли ва манзилли ишлаш борасида катта амалий таърибга тўпладан ва бу заварли ва хайрли йўлни, ёшларга бўлган эътиборни Конституциямизда мустаҳкамлаш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Мазкур масала умумхалқ референдуми орқали ҳал этилиши эса жараёнда ҳар бир фуқаронинг иштирок этишини, уларнинг “Менинг Конституциям” деб айта олишини таъминлайди.

ТАШҚИ СИЁСАТ

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:
АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

Анвар НОСИРОВ,
Марказий Осиё халқаро
институти директори

Бошланиши 1-бетда

Тошкент — Ашхобод ташқи сиёсат майдони-да ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, БМТ, МДХ, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ), ИХТ ва бошқа қатор тузилмалар дои-расида биргаликда изчил иш олиб бориб, фаол мулоқотни давом эттиришмоқда.

Томонларнинг Ўзбекистон Президенти та-шаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашуви доирасидаги ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутати. Дарвоқе, ушбу форматдаги сўнгги саммит 2021 йил августда Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган эди. Муҳими, айнан ўша тадбирда Турк-манистон раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотининг илк йиғи-лиши, Иқтисодий форум, махсулотлар кўргаз-маси, миллий таомлар фестивали ва минтақа давлатлари санъат усталарининг биргаликдаги концерти ўтказилган.

Мамлакатларимиз муносабатида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳами-ят касб этади. Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг оқилона сиёсати, саъй-ҳаракатлари туфайли шерикликнинг мазкур йўналишига юқори суръат бағишлади.

Икки давлат етакчилари томонидан савдо ҳажмини ошириб бориш бўйича белгиланган аниқ вазифалар ихроси ўз самарасини бер-моқда. 2016 йил ўзaro савдо-сотиқ кўрсаткичи 200 миллион доллардан сал зиёдроқ эди. 2021 йил якунида эса бу рақам 902 миллион доллар-ни ташкил этди. Қайд этиш жоиз, махсулот айир-бошлаш илгари бундай даражага кўтарилмаган.

Туркменистон мамлакатимизнинг минтақа-даги асосий савдо шерикларидан бири ҳи-سوبланади. Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникаси, мева-сабзавот, минерал ўқитлар, қурилиш материаллари, кимё ва тўқимачилик махсулотлари, турли хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан эса юрти-мизга нефть махсулотлари, механика жиҳозла-ри, полимерлар ва бошқа кимё моллари импор-ти йўлга қўйилган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлан-тиришда биргаликдаги саноат кооперацияси лойиҳалари, шунингдек, давлатларимиз ҳуду-дида турли хўжалик соҳалари бўйича фаолият

ЎЗБЕКЛАР ВА ТУРКМАНЛАР МИСЛСИЗ БОЙ МАДАНИЙ ВА ИЛМҲИЙ МЕРОСНИ, АНЪАНАЛАРНИ АСРАБ-АВАЙЛАБ КЕЛАЁТГАН ЭЛЛАР САНАЛАДИ. БУЮК АДИБ ВА МУТАФАККИРЛАР АЛИШЕР НАВОИЙ ВА МАХТУМҚУЛИ ИЖОДИ ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ УМУМҲИЙ ҚАДРИЯТИДИР. ИККИ ХАЛҚНИНГ МУСТАҲҚАМ ДЎСТЛИГИ, ҲАМЖИХАТЛИГИ ВА МАДАНИЙ ЯҚИНЛИГИ РАМЗИ СИФАТИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЕТАҚРОР ТУРКМАН ШОИРИ, ФАЙЛАСУФИ ВА МУМТОЗ АДАБИЁТ НАМОЯНДАСИ МАХТУМҚУЛИ НОМИДАГИ ФАРОВОН КЎЧА БОШИДА УНИНГ ТИМСОЛИ ТУШИРИЛГАН БАРЕЛЬЕФ ҚАД КЎТАРДИ, “АШХОБОД” БОҒИ ОЧИЛДИ, ЎЗБЕК — ТУРКМАН ДЎСТЛИК УЙИ МУАССАСАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА “УЛЛИ ҲОВЛИ” МАЖМУАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ. ЎЗ НАВБАТИДА ТУРКМАНИСТОН ПОЙТАХТИДА МАХТУМҚУЛИ КЎЧАСИ БИЛАН КЕСИШАДИГАН АЛИШЕР НАВОИЙ КЎЧАСИ ОЧИЛДИ, АШХОБОД ШАҲРИДА “ТОШКЕНТ” БОҒИ БАРПО ЭТИЛЯПТИ.

олиб бораётган қўшма корхоналарнинг салмоқ-ли улуши бор. Масалан, охириги йилларда Ўзе-бекистонда Туркменистон иштирокидаги корхона-лар сони 15 карра ошиб, 11 тадан 160 гага етди. Туркменистон ҳудудида эса “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзартотехсанотхолдинг” АЖ сингари Ўзбеки-стонга тегишли 61 компания иш олиб бормоқда. Чегара олди ҳудудларидида савдо-сотиқ, шу-нингдек, минтақалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар жадал ривожланмоқда, минтақала-рaro форумлар мунтазам ўтказилмоқда. Жум-ладан, 2018 йил августда Хоразм ва Бухоро вилоятлари ҳокимлари бошчилигидаги деле-гациялар Дашоғуз ва Лебапда бўлди, 2021 йил сентябрда эса Дашоғуз ва Лебап вилоятлари вакилларининг Хоразм ва Бухорога ташрифи уюштирилди. Шу ҳафта Ўзбекистон — Турк-манистон биринчи минтақаларo форуми ўткази-лиши режалаштирилган.

Ишбилармонлик алоқаларини ривожлан-тиришга Ўзбекистон ва Туркменистон Савдо-саноат палаталари муносиб ҳисса қўшмоқда. Ушбу тузилмалар ҳамкорликда мунтазам ра-вишда икки мамлакат Ишбилармонлар кенга-ши йиғилишларини ташкил этиб, кичик ва ўрта бизнес вакилларини биргаликда лойиҳаларни амалга оширишга, жумладан, бизнес-форум-лар, кооперация биржалари, кўргазма ва яр-маркалар ўтказишга жалб этмоқда.

Икки томонлама муносабатда транспорт соҳаси ҳам устувор аҳамиятга эга. Туркмени-стон йил сайин Марказий Осиёнинг асосий тран-зит давлатига айланмоқда. Ўзбекистоннинг жуда катта ҳажмдаги махсулотларини Эрон чегараси ва кейин Форс кўрфази портлари-га етказиш мазкур мамлакат ҳудуди орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, томонлар

“Ўзбекистон — Туркменистон — Каспий ден-гизи — Жанубий Кавказ” транспорт йўналиши салоҳиятидан бор имконият даражасида фой-даланиш бўйича биргаликда ишлаяпти. Бу йўлак Грузия, Туркия, Руминия ва бошқа дав-латларнинг Қора денгиздаги портларига чиқи-шини таъминлайди. Икки мамлакат автомобилъ ва темир йўллари орқали юк ташиш миқдори босқичма-босқич ошириляпти. Жумладан, 2021 йил Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида те-мир йўл транспорти орқали 1,7 миллион, авто-мобилда эса 0,3 миллион, жами икки миллион тонна халқаро юк ташилган. Бу 2020 йил билан солиштирилганда 18 фоиз кўп. Шу билан бирга, рақобатбардошлиқни ва давлатларимиз ҳуду-дидан ўтадиган халқаро транспорт йўналишла-ри жозибадорлигини янада ошириш мақсадида ҳозирги пайтда тарифларни оптималлаштириш ва ташқи савдо юкларини ташиш транзити учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти.

Ўзбекистон ва Туркменистон ёнилғи-энерге-тика соҳасида минтақавий ҳамкорлиқни тобора мустаҳкамламоқда. Ҳар икки давлат “Туркмени-стон — Ўзбекистон — Тожикистон — Афғонистон — Покистон” электр таъминоти тармоғи, “Турк-манистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой” газ ўтказгичи каби минтақавий мувозанатни ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг ҳал қилувчи омиллари сифатида кўриляётган йирик минтақавий энергетика лойиҳалари бўйича ше-риклар ҳисобланади.

Маданий-гуманитар шериклик ҳам жадал ривожланмоқда. Бугун икки қадрдон юрт санъа-ти, адабиётига ўзарo қизиқиш бекиёс. Ҳар икки мамлакат фан, таълим ва маданият арбоблари яқин ҳамкорлик қилиб, Ўзбекистон ва Туркма-нистон ҳудудида ташкил этиляётган барча тад-бирларда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбеклар ва туркманлар мислсиз бой ма-даний ва илмий меросни, анъаналарни асраб-авайлаб келаётган эллар саналади. Буюк адиб ва мутафаккирлар Алишер Навоий ва Махтумқули ижоди халқларимизнинг умумий қадриятидир. Икки халқнинг мустаҳкам дўстли-ги, ҳамжихатлиги ва маданий яқинлиги рамзи сифатида Тошкент шаҳрида бетакдор туркман шoirи, файласуфи ва мумтоз адабиёт намо-яндаси Махтумқули номидаги фаровон кўча бошида унинг тимсоли туширилган барельеф қад кўтарди, “Ашхобод” боғи очилди, Ўзбек — Туркман дўстлик уйи муассасаси ва Хоразм вилоятда “Улли ҳовли” мажмуаси ишга туши-рилди. Ўз навбатида, Туркменистон пойтахтида Махтумқули кўчаси билан кесишадиган Алишер

Давр нафаси



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЁНИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ТОБОРА МУСТАҲҚАМЛАМОҚДА. ҲАР ИККИ ДАВЛАТ “ТУРКМАНИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН — АФҒОНИСТОН — ПОКИСТОН” ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТАРМОҒИ, “ТУРКМАНИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН — ХИТОЙ” ГАЗ ЎТКАЗГИЧИ КАБИ МИНТАҚАВИЙ МУВОЗАНАТНИ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРИ СИФАТИДА КЎРИЛАЁТГАН ЙИРИК МИНТАҚАВИЙ ЭНЕРГЕТИКА ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ШЕРИКЛАР ҲИСОБЛанаДИ.

этилган халқаро ижодий фестиваллар, спорт тадбирларида биргаликда қатнашиш яхши анъанага айланди. Масалан, 2021 йил октябри-да “Йипак йўли марвариди” XIII Тошкент халқаро кинофестивали доирасида Туркман киноси кун-лари муваффақиятли ўтказилди.

Мамлакатимизда Гурбангули Бердимухаме-довнинг “Туркманларнинг маънавий дунёси” китоби ўзбек тилида нашр этилиши Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида яқин дўстона алоқа, давлатларaro самарали мулоқот ўрнатилгани-ни яна бир бор яққол намоён қилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон муносабати ривожланиши билан боғлиқ юқори суръат мам-лакатларимизнинг конструктив сиёсий мулоқо-тини янада мустаҳкамлаш, ўзарo манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлашти-ришга бўлган қатъий интилишини тасдиқлайди.

Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлиги ҳу-сусяти ва томонларнинг стратегик шериклиқ-ни мустаҳкамлашга содиқлигидан келиб чиқиб, яқин ва ўрта мuddатли истиқболда қуйидаги йўналишлар устуворлик касб этиши мумкинли-гини қайд этиш жоиз:

Биринчидан, махсулот айирбошлаш ҳажми-ни устириш ва саноат кооперациясини ривож-лантириш. Шубҳасиз, ҳар икки давлат ўзарo савдо ҳажмини ошириш ва диверсификация қилишдан жуда манфаатдор. Зерo, мамлакат-ларимиз бу борада фойдаланилмаган улкан имкониятга эга. Бу жараёнга ташриф арафаси-да имзоланган салмоқли савдо шартномалари, келишувлар тўплами ихросини тўлақонли таъ-минлаш, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Агросаноат мажмуаси, автомобилсозлик ва енгил саноат, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасида ишлаб чиқариш кооперациясини кен-гайтириш, шунингдек, икки давлат компанияла-рини Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларида йирик инфратизим лойиҳаларини амалга оши-ришга жалб этишга иқтисодий ҳамкорлиқнинг яна бир муҳим драйвери сифатида қаралаяпти.

Ўтган йили имзоланган Ўзбек — Туркман че-гара олди зонаси — Савдо марказини ташкил этиш тўғрисидаги битимни имкон даражаси-да тезроқ ҳаётга татбиқ этиш ҳам ўзарo савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини ри-вожлантириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Иккинчидан, минтақада транспорт-логисти-ка йўналишларини диверсификация қилиш. Ҳар икки мамлакат Ўзбекистон ва Туркмени-стоннинг транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш, шунингдек, мамлакатларaro ва ҳудудларaro савдо кўламини кенгайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган транспорт соҳасидаги узвий ҳамкорлиқни чуқурлаштиришдан бирдек манфаатдор. Икки мамлакат коммуникация ти-зимларини интеграциялаш Ўзбекистон ва Турк-менистон ҳудуди орқали ҳар икки томонга юк ташувларини амалга ошириш баробарида Яқин ва Ўрта Шарқ бозорларига қисқа йўл орқали чиқшини ҳам таъминлайди.

Тарифларни янада оптималлаштириш ва ташқи савдо юкларини ташиш транзити учун

қулай шарт-шароит яратишга қаратилган ти-зимли, ўзарo манфаатли ҳамкорлик ҳам рақо-батбардошлиқни ва икки мамлакат ҳудудидан ўтадиган халқаро транспорт йўналишлари жо-зибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, томонлар Шимол-Жануб субминтақавий транспорт йўлагини узайтира-диган Ашхобод келишувини тўлақонли амалга ошириш бўйича биргаликда иш олиб боришдан манфаатдор. Бу йўналишларни диверсифика-ция қилиш ва транзит ташувлар миқдорини бир неча карра ошириш имконини беради.

Учинчидан, сув-экология соҳасидаги ше-риклик бутун Марказий Осиё майдонида фа-ровонлик ва барқарор ривожланишни таъмин-лашнинг энг муҳим шартларидан биридир. Замоноавий шароитда Ўзбекистон ва Туркма-нистоннинг сув хўжалиги соҳасидаги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларидаги яқин ҳамкорлиги, айтиш мумкинки, ҳақли ра-вишда минтақада энг самарадор ва намунали хусусият касб этган.

2021 йилда қабул қилинган икки давлат Президентларининг Қўшма баёнотида ушбу соҳада очик мулоқотни давом эттириш, ўзарo бир-бирини тушунишни мустаҳкамлаш ва кон-структив ҳамкорлиқни ривожлантириш, бу бо-рада адолатли ва омилкор ечимлар топиш муҳимлиги алоҳида таъкидланган.

Шу билан бирга, қайд этиш зарур, мамла-катларимиз сув хўжалиги билан боғлиқ маса-лаларни ҳал этиш бўйича ижобий тажрибага эга. Бу жараёнда ўтган йили Ҳукуматларaro сув хўжалиги комиссиясини тузиш тўғрисида қўшма битим имзоланиши муҳим ўрин тутди.

Ҳозиргача мазкур комиссия икки марта йиғи-лиш ўтказди, томонлар конструктив тарзда айни йўналишдаги барча долзарб масалаларни муҳокама қилишди.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Туркменистоннинг бутун Марказий Осиё учун ягона ва жуда зарур бўлган, минтақа сув манбаларидан оқилона фойдаланиш масалалари билан шугулланиши кўзда тутилган беш томонлама майдонни қай-та тузиш борасидаги қарашни ва ёндашуви бир эканини кўриб чиқиш муҳим.

2021 йил августда Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган ОҚХЖ саммити якунлари бўйича қабул қилинган қўшма коммюникеда Президен-тар янги таҳдидларга ўз вақтида жавоб бера оладиган, Оролбўйи ва Орол денгизи ҳавзасини экологик соғломлаштиришга қаратилган минтақа-вий лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш, шунингдек, трансчегаравий сув оқимларидаги сувдан, сув хўжалиги, энергетика ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва ушбу сув манбаларини асраш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳа-ларида ўзарo манфаатли ҳамкорлиқни тўлақонли таъминлай оладиган самарали ва барқарор ин-ституционал механизм яратиш мақсадида ОҚХЖ ташкилий тузилмаси ва шартномавий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга тайёр экан-ликларини изҳор этишди.

Тўртинчидан, маданий-гуманитар соҳа-даги ҳамкорлиқни фаоллаштириш дўстлик ва яхши қўшничилиқни мустаҳкамлаш омилидир. Ушбу йўналишда ташкилотлар, маданият ва

МАМЛАКАТИМИЗДА
ГУРБАНГУЛИ
БЕРДИМУҲАМЕДОВ-
НИНГ “ТУРКМАНЛАР-
НИНГ МАЪНАВИЙ
ДУНЁСИ” КИТОБИ
ЎЗБЕК ТИЛИДА
НАШР ЭТИЛИШИ
ЎЗБЕКИСТОН ВА
ТУРКМАНИСТОН
ЎРТАСИДА ЯҚИН
ДЎСТОНА АЛОҚА,
ДАВЛАТЛАРАО
САМАРАЛИ МУЛОҚОТ
ЎРНАТИЛГАНИНИ
ЯНА БИР БОР ЯҚҚОЛ
НАМОЁН ҚИЛДИ.

санъат арбоблари, тадқиқот марказлари, олий ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқалар муҳим аҳамият касб этади.

Давлатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўст-лик, қардошлиқ, ҳамкорлик ришталарини асраш ва янада мустаҳкамлашдек тарихий масъули-ятни ҳис этган ҳолда, ҳар икки томон она тилла-римизни, маданият, анъана ва урф-одатлари-мизни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, мумтоз адабиёт намояндалари ва за-моноавий муаллифлар асарларининг ўзарo тар-жимасини амалга оширишни қўллаб-қувват-лашдан манфаатдор.

Ўзбекистон ва Туркменистон маданияти, кино кунларини мунтазам ўтказиш, шунингдек, илмий муассасалар, бадий, театр жамоалари ўртасида фаол алоқа ўрнатиш маданий алма-шинуви янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, томонлар икки мамлакат ёшларини қўллаб-қув-ватлаш, жумладан, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ўғил-қизларнинг ҳуқуқи-ни ҳимоя қилиш, қобилиятини, жамият манфа-ати йўлидаги интилишини рағбатлантиришга йўналтирилган қўшма тадбирлар уюштиришга ҳар томонлама қўмақлаштишга тайёр.

Бешинчидан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига, ушбу мамлакатни фаровон юртга айлантиришга афғон халқининг ўз давлатини сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича танлаган йўлини ҳур-мат қилган ҳолда қўмақлашиш.

Бу жараёнда томонлар мазкур мамлакат билан савдо-иқтисодий, транспорт-логисти-ка ва энергетика алоқаларини сақлаб қолиш, инфратизим лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, Афғонистон халқига БМТнинг мар-казий мувофиқлаштирувчи роли доирасида ҳар томонлама халқаро гуманитар қўмак бериш за-рурлиги борасида умумий тушунчуга эга.

Давлатларимиз томонидан Афғонистон-даги аҳолини меъёрига келтириш учун ҳам сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти, иқтисодий чоралар кўриляпти. Жумладан, умуминтақавий аҳамиятга молик транспорт лойиҳалари амалга ошириляпти ва ушбу давлат аҳолиси электр энергияси билан таъминланаяпти.

“Хайратон — Мозори-Шариф” темир йўли, “Ақина — Андохй” темир йўл шохобчаси, шунингдек, “Сурхон — Пули-Хумри”, “Керки — Имомназар — Андохй”, “Серхетобод — Хирот”, “Работкашон — Қалайнов” ва “Керки — Шибиргон” электр узатиш тармоқлари ло-йиҳалари муваффақиятли амалга ошириляёт-гани бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг яққол амалий натижасидир. Мазкур ўта муҳим ло-йиҳалар Афғонистонда тинчлик ва барқарор-лиқни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Умуман, Ўзбекистон — Туркменистон муно-сабати хусусиятлари минтақавий савдони ри-вожлантириш, транзит-транспорт ва энергетика соҳасидаги салоҳиятни юзага чиқариш, шунинг-дек, минтақавий барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлаш каби йўналишларда манфаатлар яқинлашуви ўсиб боришида намоён бўлмоқда. Мамлакатлар ҳамкорлиқнинг деярли, барча йўналишларига дахлдор икки томонлама му-носабатни ривожлантиришга жуда кўп зътибор қаратяпти ва катта куч сарфляяпти.

Ўз халқлари манфаати йўлида ҳар икки дав-лат кўп қиррали шериклик ва махсулдор ҳам-корликнинг бор имкониятидан фойдаланиш, мавжуд салоҳиятни тўлиқ юзага чиқаришни кўз-ламоқда.

Бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ташаббус-ларни биргаликда илгари суришни изчил му-вофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Туркменистон етакчиларининг амалий, ўзарo манфаатли ҳамкорлиқни икки томонлама ва минтақавий даражада мустаҳкамлаш, мин-тақада тинчликни сақлаш, хавфсизлиқни таъ-минлашга бўлган қатъий интилиши, шубҳасиз, бутун Марказий Осиёни барқарор ривожланти-риш омили ҳисобланади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

ЭЛЕКТРОН БОЗОРДА ОНЛАЙН ХАРИДЛАР ДАВРИ бунга қанчалик тайёرمىз?

Зухриддин ШОДМОНОВ,
Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги
хузуридаги “Рақамли иқтисодиёт
тадқиқотлари маркази”
директори ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ҳозир онлайн тижорат ҳар қандай тармоқ вакиллари учун мижоз топишнинг энг қулай ва осон усули ҳисобланади. Интернет дўкон, онлайн савдо каби тушунчалар турмушимизда анчайин оммалашиб улғурди. Бир пайтлар “ўта замонавийлик” белгиси бўлган бу каби савдо-лар бугун аҳоли учун қулай харидлар, тадбир-корлар учун эса бизнесини ривожлантирувчи манбалардан бирига айланди.

Мамлакат иқтисодиётида электрон тижоратни ривожлантиришнинг аҳамияти янада муҳим. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни ривожланишнинг асосий “драйвери”га айлантириш ва унинг ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш режалаштирилган, бунда электрон тижорат асосий уринлардан бирини эгаллайди.



Ҳозир дунёда электрон тижорат интенсив ўсиш босқичида ва у бир неча йил давом этади. Бу тенденция бизни ҳам четлаб ўтмайди. Шу боис, мазкур йўналиш охири йилларда юртимизда жадал ривожланаётганига гувоҳимиз. Биргина мисол, ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи



қўшилган қиймат ҳажми 2015-2020 йиллар оралиғида қарийб 3 баробар кўпайиб, ЯИМдаги улуши 2 фоизни ташкил этди.

Албатта, мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилган. Ўтган йили 20 август куни давлатимиз раҳбари юртимиз тадбиркорлари билан очик мулоқоти чоғида электрон тижорат платформаларини янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. 2021 йилнинг 17 ноябрида эса Президентимизнинг “Электрон тижорат маъмуричилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда электрон тижоратни амалга ошириш тартибини эркинлаштириш ва аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва натижада аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ўзини ўзи банд қилувчи шахсларга электрон тижоратни амалга ошириш ҳуқуқи берилиши энг катта янгилеклардан бири бўлди. Шунингдек, ҳуқуқий ҳужжатда электрон тижорат билан шугулланадиган барча субъектларнинг айланмадан олинандиган солиқ ва фойда солиғи ставкалари, электрон тижоратдан олинган даромад миқдоридан қатъи назар, сайтирилган ҳолда қўлланилиши белгиланди.

Интернет бўлса бўлгани

Интернет тармоқлари тобора ривожланиб бораётган бугунги шароитда электрон тижорат тадбиркор учун ҳам, харидор учун ҳам қулай савдо майдонига айланди. Таҳлилчиларнинг охири маълумотларига кўра, 35 миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 27,2 миллиондан ошган. Бунда мобил интернет фойдаланувчилари сони 25,3 миллион кишини ташкил этмоқда. Ҳозирги вақтда 95 фоиз аҳоли масканлари мобил интернет билан қамраб олинган бўлса, 54 фоиз уй ҳўжаликлариди юқори тезликдаги интернетга улаиши имкони яратилган. Бу ўз-ўзидан онлайн савдо-лар кўлами кенгайишига йўл очмоқда.

Электрон тижорат атамаси у қадар қадимий сўз эмас, шунга қарамай, кенг маънодаги тушунчани аниқлади ва кўллаб таърифларга эга. “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир, дейилади. Содо қилиб изоҳлаганда, интернет орқали амалга ошириладиган ҳар қандай савдо ёки транзакцияни электрон тижорат, дейиш мумкин. Бу йўналиш ҳам иқтисодиётнинг бир соҳаси бўлгани ҳолда, тўловларни амалга ошириш, мижозлар ва етказиб берувчиларни қидириш, реклама тарқатиш, интернет иловалари орқали товарларни сотиб олиш ва сотиш каби кўллаб бизнес операцияларини бажаришга имкон беради.

Электрон тижорат, аввало, вақт, транспорт ва меҳнат харажатларини тежаш, исталган жойда тез ва самарали онлайн савдо-сотиқ қилиш имкониятидир. Бошқа томондан, электрон тижоратда савдони ташкил қилиш корхоналарнинг рақобатини кучайтиради, монополиядан чиқаради ва маҳсулот сифатини ошириш имкониятини яратади.

Янги Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланаётган тараққиётида электрон тижоратни тадбиркорлик фаолиятининг энг истиқболли йўналиши, интернет иловалари орқали товарларни сотиб олиш ва сотиш каби кўллаб бизнес операцияларини бажаришга имкон беради. Электрон тижорат, аввало, вақт, транспорт ва меҳнат харажатларини тежаш, исталган жойда тез ва самарали онлайн савдо-сотиқ қилиш имкониятидир. Бошқа томондан, электрон тижоратда савдони ташкил қилиш корхоналарнинг рақобатини кучайтиради, монополиядан чиқаради ва маҳсулот сифатини ошириш имкониятини яратади.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

СУВ ҲУДУДЛАРНИ ОБОД, КЎНГИЛАРНИ ШОД ҚИЛМОҚДА

Акбар РАҲМОҲОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

2018 йилнинг 13-14 декабрь кунлари давлатимиз раҳбарининг Қашқадарёга ташрифи чоғида воҳа аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш даражасини ошириш борасида берган топшириғига асосан 2018-2021 йилларда 78,7 километрдан иборат Оқсув — Дехқон-обод магистрал сув қувури тортилди. Натижада Оқсув дарёси суви туман марказидаги Айридевол қишлоғидаги сув тарқатиш иншоотида етказилди. Тумандаги Қарашина, Бешбулоқ ва Гумбулоқ қишлоқларида сув иншоотлари қурилди.

— Туманимизда тарихда бўлмаган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди шу ҳудуднинг Бўстон маҳалласида яшовчи Толиб Меликулов. — Инсон қадри юксалиб, одамларнинг яшаш шароити яхшилланмоқда. Бунга айнан ўзим истиқомат қилаётган ҳудудда ҳам кўрмоқдаман. Ростини айтганда, ҳовлимизга ичимлик сув келади, деб ҳаёлимизга ҳам келтирмагандик. Эҳ-хе, сувни қадри шунчалик билинганики, бунга бошидан ўтказмаган одам тасаввур қилиши мумкин. Бир машина сувни 200 минг сўмдан сотиб олишга мажбур эдик. Шуни ҳам нечта одамга ялиниб, навбатга туриб олиб келардик. Мана, ҳаммасига эришса бўларкан. Эшигимиз олдида обиҳаёт етиб келди. Сув келтирган элда азиз, деганларидек, шу ишларга бош бўлган барчага, жумладан, давлатимиз раҳбарига минг

рахмат. Бизнинг азалий орзуларимиз амалга ошди. Ҳозир нафақат ҳар бир ҳовлига ўзгача чирой кириб борди, балки одамларимизнинг кайфияти кўтарилди, дили ва тилларида шукроналик янграмоқда.

Туманда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ишлари бир кун ҳам тўхтагани йўқ. Шу йилнинг ўзида “Обод қишлоқ” дастури доирасида 37 километр масофага қувурлар тортилиб, 2 та қишлоққа сув олиб борилади. Яна битта сув иншооти барпо этилади.

Президентимизнинг жорий йил апрель ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида берган топшириғига асосан 10 та маҳаллага ичимлик сув олиб келинди. Бунинг учун 227 километр масофага сув тармоғи тортилиб, 7 та сув иншооти қурилади, 70 мильлард сўм маблағ сарфланади. Шу йилнинг якунига қадар туманда жами 98 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига 639,3 километр ичимлик сув



тармоқлари ва 10 та сув иншооти қуриб фойдаланишга топширилади. Натижада, шу пайтгача туман аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 9,9 фоиздан 51,3 фоизга етказилади.

Вилоят маркази Қарши шаҳрида ҳам айнан давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан аҳолини ичимлик сув билан узлуксиз таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Қашқадарё сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти лойиҳасига кўра, Қарши шаҳридаги мавжуд 63 та маҳаллани доимий равишда тоза сув билан таъминлаш чоралари кўриляпти.

— Вилоятимизда кейинги йилларда аҳолини айнан ичимлик сувага бўлган талабини қондириш даражаси кескин ошмоқда, — дейди “Қашқадарё сув таъминоти” масъулияти чекланган жамият раиси ўринбосари, бош муҳандис Тўлқин Еқубов. — Албатта, воҳа мар-

кази бўлгани учун шаҳар аҳолиси анча кўп. Шу боис, бу ерда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Энг асосийси, одамларни рози қилиш, яшаш шароитларини яхшилашга кўмак бериш, имкониятлар яратиш. Шу йилнинг якунига қадар айнан Қарши шаҳрида аҳолини ичимлик сув билан таъминланиши юқори кўрсаткичга чиқади. Шунингдек, вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам катта ишлар амалга оширилади.

Қарши шаҳрига асосан Шаҳрисабз, Китоб ва Яқкабғо туманларидаги ер ости қудуқларидан ичимлик сув узатилади. Ҳозир қайта таъмирлаш лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда. Унга кўра, насос станциясидаги учта сув сақлаш резервуари қайта реконструкция қилиниб, яна қўшимча битта сув сақлаш резервуари қуриш режалаштирилган.

Ҳўзор туманида яқингача 2,4 фоиз аҳолида тоза ичимлик сув ичиш имко-

нияти бор эди. Кўриниб турибдики, туманда айнан бу борада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Шу боис, 2021 йилда 100 километр масофага ичимлик сув тармоғи тортилиб, 2 та сув иншооти қурилди. 2022 йилги инвестиция дастури доирасида 4 та ҳудудга 76,8 километр сув тармоқлари тортиш ва 1 та иншоот қуриш режалаштирилган. Шунингдек, “Обод қишлоқ” дастурига асосан Янгиҳаёт ҳамда Янгиқент қишлоқларига 25 километр сув қувури тортилиб, битта сув иншооти бунёд этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “2022-2026 йилларда Қашқадарё вилояти ҳудудларини комплекс иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, “Ўзбекнефтегаз”АЖ ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳомиёлигида 5 та маҳаллага 110 километр, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан 15 та маҳаллага 512,8 километр ичимлик сув тармоғи тортилиб, аҳолининг таъминланганлик даражаси 2,4 фоиздан 52 фоизга етказилади.

Қосон туманидаги кўпгина ҳудудларда ҳам аҳолини қийнаб келаётган асосий муаммолардан бири ичимлик сув масаласи эди. Бугунги кунда туманда ичимлик сув тизимларини қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилляпти. Лойиҳа доирасида 2 та янги сув резерви қурилади. Шу билан бира, тумандаги “Оқтепа” сув ишлаб чиқариш ва узатиш насос станциясини ҳудудда 10 та қудуқ қазилиб, 11,1 километрга сув қувурлари тортилади.

Бу борада Яқкабғо туманида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили туманда аҳоли

вий компьютерлар билан техник жиҳозланиши, балки веб-сайт ва электрон почта манзили мавжудлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Ташкилотнинг шахсий веб-сайти электрон иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқа имкониятларини сезиларли кенгайтиради. Унда ташкилот тўғрисидаги барча маълумотлар жойлаштириб борилиши баробарида, тезкор бюжетлар ҳам қабул қилиш мумкин.

Таҳлилларга кўра, ҳозир юртимиз миқёсидаги онлайн харидларнинг аксарияти маҳаллий дўконларда амалга оширилади. Ўзбекистондаги онлайн харидорлар учун асосий мамлакат эса Хитойдир. Демак, аҳоли ва ташкилотларнинг электрон тижорат муҳитига жалб этилиши, хориж бозорига чиқиш ва чет эллик ҳамкорлар билан ишлаш кўрсаткичлари ҳозирча етарли даражада эмас.

Ваҳоланки, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда электрон тижорат даромадлари улушини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бунда онлайн дўконлар сони ортиб бораётгани ва харидорлар ҳам бунга мослашаётгани қувонарли, албатта. Аммо тизимни қийёсий жиҳатдан янада кенгроқ ўрганиш талаб этилади. Шу орқали қатор тақлифлар ҳам ўртага ташланади.

Масалан, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг электрон шаклларида ахборот хавфсизлигини таъминловчи алоқа ва телекоммуникация инфраструктурасини такомиллаштириш лозим. Шунингдек, электрон тижорат соҳасидаги амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш, бизнес учун электрон тижоратни қўллаб-қувватловчи онлайн иловалар ишлаб чиқиш, юрtdошларимиз ўртасида электрон тижорат бўйича саводхонликни оширишга қаратилган тарғибот тадбирларини доимий ўтказиш, электрон пул бозорини ривожлантириш ва электрон ҳамёналарни оммалаштиришга кўмаклашиш электрон тижоратни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Умуман, бир нарса аёнки, электрон тижоратнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши яқин келажақда доимий равишда ошиб боради. У нафақат иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлар фаолияти, балки аҳоли турмуш даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

хонадонларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш бўйича кенг кўламли амалий ишлар олиб борилади. “Обод қишлоқ” дастурига кўра, “Татар” маҳалла фуқаролар йиғинига 13 километр сув тармоғи тортилиб, 2 та янги ҳовуз қуриб берилди. Натижада 2300 нафар аҳоли яшайдиган бешта қишлоққа тоза сув кириб борди.

Чинобод маҳалласида эса 12,6 километр ичимлик сув қувури тортилди. Битта сув иншооти реконструкция қилинди. Натижада иккита қишлоқдаги 480 нафар аҳоли яшайдиган уйларга обиҳаёт етиб келди. Шунингдек, тумандаги Чойдори, Толлибулоқ, Мевазор ва Янгиҳаёт маҳаллалари ҳамда Қўшчинор қишлоғида яшовчи фуқаролар ҳам тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлмоқда.

Қўшчинор, Ғўржоб, Панипар қишлоқлари учун 72 километр сув қувури тортилди. Олтирта артезиан қудуғи қазилиб, олтирта сув миноралари бунёд этилди. Бу эса, 2200 та хонадонга тоза сув кириб боришини таъминлади.

— Қишлоғимиз бўлган энг обод масканга айланди, — дейди Яқкабғо туманидаги Чойдори қишлоғида яшовчи Жуманазар Умиров. — Сабаби, сув борган ҳар бир манзил гўзал бўлади. Энг аввало, одамларимизни кўнгли тоғдек кўтарилди. Ҳовлимизга ичимлик сув келишини ҳаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Авваллари сувни ташиб келардик. Бу ташвишдан қутилдик. Бунга сабабчи бўлган барчага раҳмат, ташакукур. Юртимиз янада обод бўлаверсин.

Одамларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишлари Қўқдала туманида ҳам авжида. Илгари бу борадаги кўрсаткич 2 ёки 3 фоиздан юқори бўлмаган. Ўтган йили Қўқдала ҳамда Ҳўжаобод маҳаллаларида “Обод қишлоқ” дастури доирасида бунёдкорлик, ободончилик ишлари олиб борилиб, 29 километр масофага сув тармоқлари тортилди. Иккита сув иншооти барпо қилинди. Бундай улкан ўзгаришлар жорий йилда вилоятда янада кенг кўламда давом эттирилмоқда. Натижада эса одамларнинг яшаш тарзи ўзгариб, обод ва озод юртимизда инсон қадри янада юксалаётди.



МАҲАЛЛАЛАРНИНГ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ”

“Сув чиқмайди, ўсимлик унмайди, дея қаралган ерлар файзли гўша сифатида одамлар тасаввурини ўзгартирди. Бу ўзлаштирилмаган ерларга нисбатан қўлланиладиган “ҳосил унмайди”, “тупроғи ёмон” каби баҳоналарнинг ҳам асоссиз эканини кўрсатмоқда.

ЯНГИ ТИЗИМ

аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Мавжуд имкониятлар, хомашё ресурслари, инфратузилма ҳолати, ишчи кучининг ихтисослашуви ва сифатидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир маҳалланинг ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ихтисослашувини аниқлаб, уни ривожлантириш маҳаллабай ишлаш тизимининг асосий йўналишларидандир.

Ангор туманидаги Баҳор маҳалласининг асосий ўсиш драйвери қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришдир. Бу ҳудудда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида яхши натижаларга эришилмоқда. Хусусан, аҳолининг 263 гектардан иборат томорқасида йилга ўртача 25 минг тонна қарам, саримсоқпиез, дайкон, редиска ва шолғом, лавлаги каби қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириляпти. Мавсумда кунига 150 тоннагача маҳсулот жаҳон бозорларига чиқарилади. Энг муҳими, экспорт учун ҳудудда логистика маркази ва хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Жумладан, “Surxon golden trade” МЧЖнинг шундай марказида 10 минг тоннагача мева-сабзавотни сақлаш қувватига эга музлаткич омбор мавжуд. Умумий майдони 14 гектарни ташкил этувчи мазкур жамиятда 400 дан ортқ киши иш билан таъминланган.

— Экспорт кўламини янада кенгайтириб, аҳоли даромадини оширишни мақсад қилганимиз, — дейди Баҳор маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Ҳамид Муҳаммадиев. — Яқинда Япониядан мутахассис ва тадбиркорлар маҳалламизга келиб, аҳоли томорқаларида етиштирилаётган маҳсулотлар ва логистика маркази фаолияти билан яқиндан танишди, ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома имзолади. Энди 20 та хонадон кооперация асосида Япония бозорига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб беради. Эътиборли жиҳати, миришкорларимиз етиштираётган маҳсулот учун аниқ ва кафолатланган бозор мавжуд. Деҳқон ва фермерларимизнинг эса янги навларни яратишга қизиқиши баланд. Шу боис, қарам, редиска, шолғом ва сабзининг кўплаб янги навларини маҳаллалаштирдик.

Президентимизнинг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация



лар етиштириш учун кредитлар ажратилиши тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, қарорда мева-сабзавотни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун револьвер кредит ажратилиши ҳам белгилан қўйилган.

Соҳа вакиллари учун яратилаётган бу каби имкониятлар уларни ердан янада самарали фойдаланиш, салмоқли ва сифатли ҳосил олиш орқали кўпроқ даромад топишга ундамоқда. Натижада кичик томорқаларда етиштирилаётган сабзавот катта даромад манбаига айланиб, “Ўзбекистонда етиштирилган” белгиси билан турли давлатлар бозорига кириб бораётгани кувонарли, албатта.

Баҳор маҳалласида яшовчи Мурод Искандаров 65 сотих томорқасига қарам, лавлаги ва дайконнинг турли навларини эккан. Ҳар мавсумда 15 тоннагача маҳсулот етиштириб, 100 миллион сўмгача даромад кўради.

— Томорқадан ҳам катта даромад олиш мумкин, — дейди М.Искандаров. — Муҳими, меҳнатдан қочмасангиз бўлди. Маҳалламизда бўш ер йўқ, деярли ҳамма деҳқончилик билан машғул.



БАҲОР МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ МУРОД ИСКАНДАРОВ 65 СОТИХ ТОМОРҚАСИГА ҚАРАМ, ЛАВЛАГИ ВА ДАЙКОННИНГ ТУРЛИ НАВЛАРИНИ ЭККАН. ҲАР МАВСУМДА 15 ТОННАГАЧА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИБ, 100 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ДАРОМАД КЎРАДИ.

тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва сотиш (экспорт қилиш) жараёнларини ўзаро интеграция қилиш, кластерлар ва кооперация фаолиятини кенгайтириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳужжатга қўра, жорий йил 1 январдан бошлаб қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга мева, узум, сабзавот, қатшоука, полиз экинлари, қўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуқакли ва мойли экин-

Эътиборлиси, ердан самарали фойдаланаётган ҳеч бир маҳалладошимиз ҳам бўлаётгани йўқ: фарзандларини ўқитаяпти, уй қуриб, тўйлар қияляпти, машина оляпти. Хуллас, деҳқончилик ортидан орузлари рўёбга чиқмоқда. Бу борада, айниқса, маҳалламизда логистика маркази ташкил этилгани жуда яхши иш бўлди. Маҳсулотларимиз тўғридан-тўғри хорижга экспорт қилинмоқда. Тўғриси, авваллари сабзавотлар мўл ва бозорбоп бўлса ҳам туманимиз бозоридан четга чиқишга кўрқар эдик. Ҳозир эса чет давлатлардан вакиллар қишлоғимизга келиб, етиштирилган маҳсулотимизни ўзлари олиб кетади.

Туманда анча йиллардан бери фойдаланилмаётган, сув чиқмайдиган ерлар ҳам ўзлаштирилмоқда. Маҳалладаги



шу жиҳатдан уларнинг энг яқин дўсти ва манфаатли шеригига айланган. Энг муҳими, ёш деҳқонлар харидор излаб юрмайди: тадбиркорнинг ўзи бозор нарҳида сотиб олиб, экспорт қилади.

— Бизга бириктирилган ерга грентфлеш навли қарам экилган, — дейди шу маҳаллада яшовчи Умид Абдурахмонов. — Бу нав нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорларида ҳам харидоргир. Айниқса, Европа ошхоналарида турли таом ва салатлар тайёрлашда кенг фойдаланилади. 30 ёшдаман, вақтинча ишсиз эдим. 3 йил аввал Россиянинг Астрахань ўлкасида бўлиб, бу ерда оилавий меҳнат қилганимиз. Шундоққина уйимизнинг ёнида ишли бўлиб, яхши даромад олиш имконияти яратилганидан жуда хурсандимиз.

Қаровсиз ерларнинг унумдор экан майдониغا айлантирилгани аҳолини қувонтирмоқда. Сув чиқмайди, фоймлик унмайди, дея қаралган ерлар файзли гўша сифатида одамлар тасаввурини ўзгартирди. Бу ўзлаштирилмаган ерларга нисбатан қўлланиладиган “ҳосил унмайди”, “тупроғи ёмон” каби баҳоналарнинг ҳам асоссиз эканини кўрсатмоқда. Муҳими, одамлар меҳнат қилса, албатта, роҳатини қўришига ишонч ҳосил қияляпти.

Президентимизнинг 2021 йил 16 декабрдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди етакчи тадбиркорлик субъектларига аҳоли томорқаларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар ажратилиши белгилан қўйилган. Бу эса ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш истағидаги тадбиркорлар ва соҳага эндигина қадам қўйган, сармоя ва кўнимга эга бўлмаган аҳоли учун кенг имкониятлар яратмоқда.



ТУРИЗМ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: БЕТАКРОР ВА УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАРГА БОЙ САЁҲАТ

Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА,
журналист

Бугунги кунда туризмнинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни тобора мустақамланиб бормоқда. Иқтисодий ўсишнинг драйверларидан саналаётган ушбу соҳа кўплаб ривожланаётган мамлакатларда ҳам даромаднинг асосий манбаи сифатида қаралмоқда. Бугун ўзининг географик жойлашуви, гўзал ва бетакрор табиати, қадимий обидалари ҳамда қадамжолари билан сайёҳлик соҳасида анча юқори салоҳиятга эга ҳудуд ҳисобланган Тошкент вилоятига нафақат маҳаллий, балки кўплаб хорижликлар ҳам ташриф буюраётгани кувонарли.

Сўнгги йилларда туристлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоятнинг ўзига хос табиий ҳудудларида янги йўналишларни ташкил этиш, сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш, замонавий инфратузилманинг жадал ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ҳудудга ташриф буюраётган сайёҳлар учун меҳмонхона, транспорт ва бошқа хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, жаҳон стандартларига мос келувчи барча қулайликларни меҳмонларга тақдим этиш борасида кенг имкониятлар ишга солинмоқда.

Вилоятда янги туристик ва ижтимоий инфратузилма объектлари, шу жумладан, жойлаштириш воситалари, умумий овқатланиш, маданий кўнгилочар масканлари, дам олиш ва сайр қилиш учун яшил зоналар, парклар сонини кўпайтириш, соҳада янги хизмат турларини кенгайтириш, транспорт ва логистикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу сайёҳлар учун қулайлик яратибгина қолмай, янги иш ўринлари сонининг ортишига ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашга, уларнинг турмуш шароити янада яхшилинишига хизмат қилмоқда.

Талабнинг ўсишига қараб тақилфлар ҳам ортиб боради. Тошкент вилоятига келувчи сайёҳлар сони кўпайгани сари меҳмонхоналар бўлган эҳтиёж ҳам юқорилаб бормоқда. Бугун вилоятда 1000 га яқин жойлаштириш воситалари мавжуд. 2021 йил бошида жами 516 та меҳмонхона, хостел ва меҳмон уйлари (6350 хона, 13513 ўрин) бор эди. Демак, кўрсаткичлар бир бараварга ортган. Яъни умумий 992 та жойлаштириш воситаларида 9 739 хона ташкил этилган бўлиб, 21 804 ўрин яратилган. Бу бир вақтинг ўзида 22 минг сайёҳга хизмат кўрсатилмоқда деганидир.

Шу ўринда оилавий меҳмон уйлари-нинг ҳам ўрни юқори эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Вилоятнинг тоғ ён бағирларида, сўлим гўшалари, хушманзара табиатига эга ҳудудларида фаолияти йўлга қўйилган жами 811 та оилавий меҳмон уйлари 6434 сайёҳ учун мўлжалланган. Асосан Бўстонлик, Оҳангарон, Паркент туманлари ва Ангрэн шаҳрида жойлашган оилавий меҳмон уйларига ташриф буюрувчилар бу ерларнинг табиатидан баҳраманд бўлмоқда.

— Йилнинг ҳар фаслида Лашкеракка оилавий келиб, дам олиб кетамиз, баҳонада соғлигимни тиклаб қайтамиз, — дейди Ангрэн шаҳридаги Лашкерак қишлоғининг меҳмон уйларидан бирида дам олаётган Фарида Расулова. — Небараларимда ҳам аллергик касаллиги бор бўлгани сабабли келишга мажбуримиз. Кўз илғамас, ақлбавар қилмасдек, қимлар учун эртакдек туюладиган бу гапларим айнаи ҳақиқат. Бу ернинг ҳавоси шифобахш бўлганлиги учун тиббиёт туризми учун мос келадиган экоҳудуд деб айта оламиз.

Дам олувчиларнинг талабидан келиб чиқиб барпо этилаётган меҳмон уйлари-нинг умумий ҳолати янада яхшила-нишига, уларга тегишли шароитларни яратишга қаратилган ҳукумат қарорла-

ри бу йўлда ўз бизнесини олиб бораётган тадбиркорлар учун айнаи муддао бўлаётгани сир эмас.

Хусусан, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфра-тузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режими жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга қўра, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш юзасидан 2022 йил дастури доирасида ажрати-лаётган маблағларнинг 500 миллиард сўми хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларга, биринчи навбатда, Базирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган талабларга жавоб берадиган оилавий меҳмон уйлари (50 миллион сўмгача),



хостеллар (1 миллиард сўмгача), ўтов лагерлари мажмуаси (300 миллион сўмгача), автокемпинглар (3 миллиард сўмгача), экотуялар мажмуаси (300 миллион сўмгача), контейнер шаҳарчалар (600 миллион сўмгача) ва чодирли лагерлар (60 миллион сўмгача) ташкил этиш ва уларни таъмирлаш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланган. Қолаверса, саноат ва хизматлар соҳаси юқори суръатларда ривожланиб бораётган туманларда — савдо, меҳмонхона, овқатланиш ва логистика хизматларини, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар масканларни ташкил этишга устуворлик бериш вазифаси юклатилган.

Қарорда, шунингдек, 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бошқа хизматлар қаторида чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш) хизматлари кўрсатуви тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорда этиб белгиланиши бизнесини йўлга қўйганларга рағбат бўлди.

— Яратилаётган имкониятлар пировардида, оилавий бизнесимизни ривожлантирибгина қолмай, туристлар учун ҳам қўшимча шароитлар яратиб, зарурий воситалар билан жиҳозланган хоналарда уларнинг дам олиш имкониятини янада яхшиламоқда, — дейди Лашкерак

қишлоғидаги оилавий меҳмон уйи эгаси Моҳинур Абдумаликова. — Ажратилаётган имтиёзли кредитлардан маиший техника воситаларини харид қилиб, шароитларни замона мослаштиришга ҳаракат қиялпмиз.

Жорий йил давомида вилоятда умумий қиймати 3,2 триллион сўм бўлган жами 82 та туризм соҳасига оид инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳамда 3 382 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Бугунги кунда 21 та лойиҳа қуриб битказилиб, фаолияти йўлга қўйилди. 6 та меҳмонхона, 4 та дам олиш маскани, 3 та хостел, 1 та осма дор йўли, 2 та санаторий, 1 та экстремал туризм (рафтинг) ва 4 та умумий овқатланиш шохобчалари ўз хизматини бошлар экан, мазкур лойиҳалар учун умумий қиймати 473 миллиард 327 миллион сўм инвестиция маблағи киритилди. Шунингдек, 660 та янги иш ўрни яратилди.

— Олдинда катта режа ва мақсадларни ўз олдига қўйган замонавий лойиҳаларимиз ишга тушиши кутилмоқда, — дейди Тошкент вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармасининг Инвестиция дастурлари ихросини таъминлаш ва иш ўринларини яратиш мониторингини амалга ошириш бўлими бошлиғи Абдуқодир Йўлдошев. — Бунда Паркент туманидаги жорий йилда ишга туширилиши режалаштирилган умумий қиймати 15 миллиард сўм бўлган лойиҳани мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур лойиҳа асосида тумanning энг баланд чўққиларидан бирида туристик кластер барпо этиб, 12 та коттеж, сузиш ҳавзаси, чанги трассаси ҳамда сайёҳлар ҳордиқ чиқариб, мароқли дам олишлари учун кенгликдаги ўриндиқли майдонча барпо этилади.

Шу билан бира, Оҳангарон туманида 20 гектар ҳудудга 40 миллион АҚШ долларлик инвестиция киритиш ҳисобига янги лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

— 40 та икки қаватли замонавий коттежлар, сузиш ҳавзалари, санаторий ва даволаниш маскани, ўйингоҳлар, дўкнлар, спорт олимпиадалари учун алоҳида сузиш ҳавзаси, дор йўли, шунингдек, дор йўли бўйлаб пиёдалар йўлаклари, қолаверса, кичкина ҳайвонот боғини барпо этиш ҳам назарда тутилган ушбу лойиҳамиз орқали хорижий меҳмонларни жалб қилишни режалаштирганман, — дейди “Evol international” МЧЖ бош директори Зоеренге Боукари Буркинабе.

Хорижий инвестор суҳбат жараёнида Овжасойда ушбу лойиҳа бежиз амалга оширилмаётгани, бу ерларнинг об-ҳавоси Швейцария билан тенглаша оладиган даражада софлиги, маззаранинг бетакрорлигини таъкидлади.

Вилоятда дам олувчиларнинг сони кескин ошишига олдувчилик лойиҳалардан яна бири яқинда Тошкент туманида ишга туширилган “Tashthermal” санаторийсидир. 137 хона, 524 ўринга мўлжалланган ушбу дам олиш масканининг қуриб фойдаланишга топирилиши учун умумий қиймати 80 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлиб, пировардида, 200 нафар янги иш ўрни яратилди. Ташриф буюрувчилар учун эса барча шароитлар яратилган, санаторий энг сўнгги жаҳон тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, физиотерапия муолажалари билан даволаниш имконияти яратилган. Замонавий ва шинам хоналари, айниқса, минерал булоғи билан келганларга манзур бўлмоқда.

Тошкент вилоятининг очилмаган қирралари кўп. Табиат инъом этган, кўз қўриб, қўлоқ эшитмаган гўзалликлар, бетакрор манзаралари бисёр. Бу ҳақда эшитган ҳар қандай сайёҳ эса айнан мана шундай масканларга боришга ошиқади. Бундай гўшалар эса ана шу сайёҳларни оҳанрабодек мудом ўзига чорлайверади.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



**Абдулҳаким
Шаъри ЖУЗЖОНИ,
ҳуқуқ фанлари доктори,
профессор**

У ёшлигиданок синмас ирода ва олий характер эгаси сифатида биллими шахзода бўлиб, ҳарбий тактикаларни ўзлаштириб олган. Машҳур астроном Мирзо Улуғбек “Тарихи улуси арбаа” (тўрт улус тарихи) номили китобида у ҳақида шундай фикр билдирган эди: “Тарихда бир Низомий — ҳарбий ва сиёсий шахсият сифатида Жалолиддиннинг мақоми шунча улуг эрдик, улуглик унинг вужудида кичиклик қиларди. Туркий тилида ёзган унинг бир рубойисининг мазмуни:

Урушда тобланган бир пулодмиз, Биз-да мум каби юмшоқмиз, Дўстлар учун латиф ва марҳаматли ва душманларга шумлигу фалокат келтурувчимиз. Улуғлигимиз Шомда инсоф ва адолат белгиси ва ҳайбатимиз Румга хатар эълонидир”.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида араб ва форс тилларида бир қатор асарлар ёзилган, улардан энг муътабари Шаҳобиддин Насавий араб тилида ёзган “Жалолиддин Манкубурни сийрати” номили китобдир. Ушбу асар форс тилига таржима қилиниб, нашрдан чиққан. Жалолиддин билан кўпинча бирга бўлган унинг муншийси, тарихчи



Сувдан ўтиш жараёни.

Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг катта ўғли Жалолиддин Абул-музаффар Менкўберни — Манкуберти (Мангуберди) бин Султон Аловиддин Абулфатх бин Такаш бин Алп Арслон бин Отсиз бин Муҳаммад Анўштегин туркий давлатлар тарихида мислсиз ҳамоса (эпос) яратган ва умрининг охиригача дунёнинг энг кучли фотиҳи Чингизхон қўшинига қарши уруш олиб борган Хоразмнинг ардоқли қаҳрамони, Хоразмшоҳлар сулоласининг сўнгги султони эди. Араблар унинг отини “осмон ҳадяси” ёки “осмондан юборилган”, деб таржима қилган.

Шаҳобиддин Насавий ўз китобида бундай деб ёзади: “Жалолиддин буғдой-ранг, ўрта бўйлик, туркий қиёфа эди. Туркча ва форсчада гапирарди. Унинг жасорати ҳақида мен ёзган воқеалар етарли. У ниҳоят шижоатли бир арслон эди. Юришида барча суворийларидан жасоратлироқ эди. Ҳар нарсдада жажли чиқмасди, сўкмасди, салобатли эди. Кулганда фақат табассум қиларди, кўп сўзламасди, ҳар доим адолат тарафдори ва миллатга меҳрибон эди. Номаларининг тагида Абдуху (унинг бандаси) ва баъзан унинг ходими деб ёзарди. Уни султон демасинлар деб таъкидларди. Лекин шунчаки, у фитналар айёмига дуч келди ва қатъий ғалаба қозонилмади...

У отасига хилоф, мўғуллар қарши-сида туриб уришишдан қўрқмасди. Ибн Асир Ал-комил китобида ёзишча, отаси



Мангуберди Дирҳам тангалари.

ЖАЛОЛИДДИН КўП УРУШЛАРДАН КЕЙИН СИНД ДАРЭСИ ҚИРҒОҒИГА ЕТИБ БОРДИ. У ҚУРШОВГА ТУШГАН ЭДИ. УНИНГ УЧУН ФАҚАТ ИККИ ЙЎЛ ҚОЛГАН — Ё ОИЛАСИ БИЛАН ДУШМАНГА ТАСЛИМ БЎЛИШ ЁКИ ТАҚДИРГА ТАН БЕРИБ, ЎЗИНИ ДАРЁГА ТАШЛАШ. ЁВЛАРГА АСИР БЎЎЛГАНДАН КЎРА, ЎЛГАНЛАРИ ЯХШИ, ДЕБ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ БИРИН- КЕТИН СУВГА ТАШЛАГАН ЖАЛОЛИДДИН 10 МЕТР БАЛАНДЛИҚДАН ЎЗИНИ ҲАМ ОТИ БИЛАН СИНД ДАРЭСИГА ОТИБ ЮБОРДИ. СУВДАН ЎТИШ ЖАРАЁНИДА ҲАМ ОТ УСТИДАН ТУРИБ ҚИЙҒОЧ УСЛУБИДА ОРҚАГА ҚАРАБ ДУШМАНГА ЎҚ ОТДИ, СУВДАН ТИРИК ЧИҚДИ.

Жалолиддин 1222 йилдан 1226 йилгача Кирмон, Форс, Хузистон, Аррон, Мароғ, Хуй, Тефлис, Арманистонга лашкар тортиб, Гуржистонга ўтди. Тефлис шаҳрини тасарруф қилиш унинг шуҳратига шуҳрат келтирди.

МИЛЛАТ ТАРИХИНИНГ БАРҲАЁТ СИЙМОСИ



Синд дарёсидан от билан ўтиш (миниатюра).

Мангуберди фақатгина Хоразм ҳудудини сақлаш эмас, балки бутун ислом дунёси ва Ҳиндистон ҳудудини ҳам душманнинг фожиаи ҳужумидан ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу мақсад учун салжукийлар ва хоразмликлар орасидаги оилавий қаршиликларни бир томонда қўйиб, душманга қарши бир жаҳда тузишга интилди, аммо улар ҳозир бўлмади.

Мўғуллар ҳужуми вақтида Жалолиддин отасига берган стратегик режаси қабул бўлмади ва армия бош қўмондонлиги вазифаси унга топширилмади. Шу сабабли, отаси Муҳаммад душмани Чингизхон ҳужумига дош беролмай, кетма-кет мағлубиятга учраб турди ва охири Касбийнинг бир жазирасига қочиб ўтди.

Душман кўп жойларни босиб олгандан кейин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз ўлиmidан олдин Турконхотин ташаббуси билан Султон валиаҳди этиб кичик ўғли Қутбиддиннинг ўрнига Жалолиддинни тайинлади ва икки ўғлининг унга бўйсунлишига буйруқ берди. Лекин унинг ўлиmidан кейин ҳар икки ини-оға акаларини ўлдиришга қасд қилди, аммо у жасоратли амирлардан бири Инонхон тадбири билан бу хатардан қутилди.

Иш ўрнидан кўчган бўлса ҳам, бу жасур саркарда ўзининг 700 аскар билан мўғулларнинг ўн мингларча қўшинига қаттиқ зарбалар берди ва тенги йўқ қаҳрамон сифатида шуҳрат қозонди. Унинг ғалабаларини эшитган, Чингизхон шахсан ўзи Туркистонга келиб, қўшин раҳбарлигини ўз қўлига олди.

Жалолиддин Парвон ва Бомиён урушларида ҳужум билан душманга катта талафот беришдан кейин орқага қайтиш тактикасидан фойдаланди, Чингизхон аскарларини тоғ ва тошларда овора қилди. Кўп аскарларини қўлдан берган Чингизхон уни Синд дарёси бўйигача таъқиб қилиб борди.

Жалолиддин кўп урушлардан кейин Синд дарёси қирғоғига етиб борди. У қуршовга тушган эди. Унинг учун фақат икки йўл қолган — ё оиласи билан душманга таслим бўлиш ёки тақдирга тан бериб, ўзини дарёга ташлаш. Ёвларга асир бўлгандан кўра, ўлганлари яхши, деб оила аъзоларини бирин-кетин сув-

ТАРИХЧИЛАР ТАЪКИДЛАШИЧА, МЎҒУЛЛАР ЖУҒРОФИЙ ҲУДУД ЮЗАСИДАН БУ КУНГА ҚАДАР ЭНГ БУЮК ИМПЕРИЯГА АСОС СОЛИШ УЧУН ЖОН-ЖАҲДИ БИЛАН КУРАШАРДИ. БУ СЕЛНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН БУТУН МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙИЧА ФАҚАТ БИР ҚАҲРАМОН ИНСОН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ ВА У ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЭДИ.

та ташлаган Жалолиддин 10 метр баландликдан ўзини ҳам оти билан Синд дарёсига отиб юборди. Сувдан ўтиш жараёнида ҳам от устидан туриб қийғоч услубида орқага қараб душманга ўқ отди, сувдан тирик чиқди.

Бу ажиб сахнани кузатиб турган Чингизхон, ўз ўғилларига қараб деди: “Худованд ҳар бир отага шундай ўғил берсин!”.

Жалолиддин авлодларидан фақат саккиз ашар ўғли асир тушган экан. У ҳам Чингизхоннинг буйруғи билан ўлдирилди.

Жалолиддин дарёдан тирик чиққандан кейин Ҳиндистонга бориб, у ерда ўзи учун қўшин йиғиш билан машғул бўлди. Авваллари аскарларининг қўрол-асбоблари етарли эмас эди. Насавийнинг ёзишча, у Лохурдан Сейистон ва Балуҷистонга қараб ҳаракат қилгунча аскарларининг сони 4000 га етган эди. Улар эшак ва ҳўкизга миниб йўл босардилар.

Жалолиддин Хоразмшоҳ барча мусулмон мамлакатларини ҳимоя қилиш учун Бағдод халифаси, аюбийлар шахзодалари, салжукийлар султони Аловуддин Қайқубодга душманларга қарши бирлашиб уруш олиб бориш зарурлигини тақдир қилди. Лекин улар орасидаги ноҳўра рақобат ва келажаки кўролмаслик унинг енгилишига сабаб бўлди.

Жалолиддин 1222 йилдан 1226 йилгача Кирмон, Форс, Хузистон, Аррон, Мароғ, Хуй, Тефлис, Арманистонга лашкар тортиб, Гуржистонга ўтди. Тефлис шаҳрини тасарруф қилиш унинг шуҳратига шуҳрат келтирди.

Ҳиндистондан кетганидан кейин унинг биринчи тўқнашуви 1227 йилда мўғуллар билан юз берди. 1228 йилги уруш жараёнида катта ютуққа эришди. Охири Чингизхоннинг ўғли Уқтой 1230 йил унинг фаолиятини тугатиш учун 30 минг аскарини Арронга юборди. Шу йил Жалолиддин Рум салжуклари Аловуддин Қайқубоддан Арзинжон яқинида енгилганидан сўнг Табриз шаҳрига келиб, аскарларини дам олиш учун Мугон даштига юборган эди.

Мўғул аскарлари хайратлангиривчи тезлик билан унга яқинлашганди. 1231 йил ўрталарида у ҳозирги Диёрибақрда ғарфлат уйқусидан уйғониб, душман унга яқинлашганидан хабар топди. Арса, ундан сўнг Урумийага ўтиб, минтақа амирларидан ёрдам сўрамоқчи бўлди. Лекин ҳеч ким унга ёрдам бермади. Урумийа яқинида мўғуллар унга қарши ҳужум бошлади. Лекин у жонини қутқариб, Миёфорикайиға қочишга мажбур бўлди ва Насавийга кўра, 628 қамарий йил, шаввол ойининг ўрталарида (1231 милодий) йўлини тўсиб турган бир гуруҳ қурдлар қўлида ҳалок бўлди.


Жалолиддиннинг ўлими билан Марказий Осиёда мўғулларга қарши муқоваматнинг асосий кучи йўқолди. Ундан кейин на аюбийлар ва на салжуклар

ушбу даҳшатли селнинг олдини олишга муваффақ бўлмади.

Бугун Жалолиддин Мангуберди вафотидан неча юз йил ўтган бўлса ҳам, унинг номи ҳануз абадиёт — манглик осмонда бир порлоқ қуёш сингари нур сочиб туради ва у юритган тинимсиз ҳамосалар шоирларнинг илҳом манбаи бўлиб келмоқда. Камолиддин Исмомий Жамолиддин Абдулраззоқ Исфаҳоний ўғли Жалолиддин Хоразмшоҳ Исфаҳонни тасарруф қилиб олганда, у ҳақида қуйидаги шеърни ёзган экан:

Муждаки Хоразмшоҳ,
шаҳри Сафоҳон гирифт,
Мулки Ироқайнро
ҳамчу Хуросон гирифт.
Моҳчаи чатри у қуллаи
гардун кушод,
Мўрчаи тиги у,
мулки Сулаймон гирефт.

Маъноси: Бир мужда — хушхабар, Хоразмшоҳ Исфаҳон шаҳрини эгаллаб олди, Хуросон каби икки Ироқ (Ироқи араб ва Ироқи ажами)ни ҳам тасарруф қилди. Соябонининг учи осмон чўққисига етиб борди, қиличининг чумолиси Сулаймон мулкига эгалик қилди.



Мангубердининг муншийси Муҳаммад бин Аҳмад Насавий ёзган “Ас-Султон Жалолуддин Микубурти” китоби. Қоҳира, “Дорул-фикр-арабий” нашри.

Шоир Ҳамидий Шерозий 1952 йил Султон Хоразмшоҳ Жалолиддин ҳақида “Синд тўқинлари ичида” номили бир шеър ёзиб, унинг тенгсиз шижоат ва қаҳрамонлиқларини тасвирлаган эди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз буюк тарих, буюк давлат ва буюк маданият яратган халқимиз”. Мана шу буюк тарих чўққиларида порлаб турган барҳаёт сиймолардан бири Жалолиддин Мангубердидир. У яратган ҳамоса ҳар доим биз учун ватанга садоқат ва фидойиллик рамзи бўлиб қолади. У ватан-севарлик ва инсонпарварлик тимсолига айланган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳих: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 21:50 Топирилди — 23:30